



Кейинги йилларда "Hamkorbank" АТБ тизимидаги банк хизматлари офислари томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифат уни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай банк тармоқларини аҳолига қулай бўлган ҳудудларда ташкил этилаётгани бежиз эмас. Мижоз асосан вақтдан ютади. Барча қулайликларга эга бўлган шундай марказлардан бири жорий йилда ташкил этилган "Избоскан" банк хизматлари офисидир.

КИЧИК ЖАМОАНИНГ ЮТУҚЛАРИ

Жамшидбек Яхшибоев раҳбарлигида мазкур БХО ходимлари мижозлар ва аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, пул ўтказмалари, валюта айрибошлаш, касса амалиёти ва пластик карта билан таъминлашда эришилган натижалар қувонарли.

— Кичик жамоамиз тумандаги молия муассасалари орасида ўз ўрнига эга, — дейди Ж. Яхшибоев. — Бу ҳар бир ишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва мижозлар билан доимий ҳамкорлик натижасидир. Айни вақтда 800 дан ортиқ мижозга хизмат кўрсатяпмиз. Йил охирига

қадар уларнинг сонини янада оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.


Қисқа вақт мобайнида 210 та мижозга 4 миллиард 325 миллион сўм кредит ажратилди. Бу маблағ истеъмол, ипотека, автотранспорт кредити ва микроқарзга қаратилган. Натижада уларнинг банкка бўлган ишончи ортди.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ.

Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурат.



Обуна — 2022



Қадрли юртдошлар!
Газетамизга 2022 йил учун обунадавом этмоқда. Вақтни ўтказмай нашримизга обуна бўлишга шошилиш. "НАМКОР PRESS" йил давомида сизнинг сеvimли суҳбатдошингиз ва ҳамкорингизга айланади.

2022 йил учун ОБУНА
БАҲОСИ — 120 МИНГ СЎМ

ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛМАНГ

Кейинги ойлarda юртимизда COVID-19 га чалиниш статистикасида пасайиш кузатилмоқда. Аммо кўрсаткичлар озаyгани сари одамларда эҳтиёткорлик сусайиб борапти. Буниси — хавотирли.

Пандемия хавфи ҳамон эшик ортида турибди. Дунёда вазият яна мураккаблашмоқда. Касаллик орта чекиниш ўрнига, айрим мамлакатларда қайта авж оляпти. Масалан, Австрияда умуммиллий локдаун амалга кирди. У 20 кунгача давом этиши белгиланган. Бу вақт мобайнида барча оммавий ва маданий тадбирлар бекор қилинади. Умумий овқатланиш шохобчалари ва маданият масканлари, аксарият савдо

КУН МАВЗУСИ

нуқталари, таълим муассасалари ёпилади.

Чекловлар эмланмаганлар учун, айниқса, қатъий. Уларнинг озиқ-овқат дўкони, дорихона, шифокор кўриги каби энг муҳим эҳтиёжлардан бошқа мақсадлар учун кўчага чиқиши тақиқланган. Ҳозир мамлакатда вакцина олмаган 2 миллион киши шундай чоралар шароитида яшашига мажбур.

Буюк Британияда барча бочқичда тўлиқ эмланган 40 ёшдан ошган фуқаролар коронавирусга қарши вакцинанинг бустер дозасини олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Словакия 22 ноябрдан корона-вирусга қарши эмланмаган фуқаролар учун локдаун жорий этган яна бир мамлакат бўлди. Бундай аҳоли қатлами кафе ва ресторанлар, савдо марказлари, оммавий ва спорт тадбирларига бора олмайди.

Юқоридагилар барчамизни хотир-жамликка берилмай, вакцина олишга ва ўз саломатлигимиз учун курашишга чақиради.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ).

КУН ҲИКМАТИ:

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ.

ИНФЛЯЦИЯ 9 ФОИЗ АТРОФИДА БЎЛИШИ КУТИЛЯПТИ

Молия вазирлиги ахборот хизмати 2022 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини эълон қилди. Келгуси йилда ялпи ички маҳсулотнинг 6 фоиз ўсиши прогноз қилинган бўлса, инфляция даражасининг пасайиш тенденцияси давом этиб, 9 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

2022 йил учун давлат бюджети даромадлари 200 триллион сўм, харажатлари эса давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олган ҳолда 215,4 триллион сўм миқдорида ажратилиши режалаштирилган.

Иқтисодиёт хабарлари



ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ КЎПАЙДИ

Марказий банк маълумотларига кўра, 1 ноябрь ҳолатига Ўзбекистоннинг олтин-валюта захиралари 35,21 млрд. долларни ташкил қилди.

Таққослаш учун: бу кўрсаткич, 1 октябрь ҳолатига кўра, 34,41 млрд. доллар бўлган. Рақамлар ўтган ойда Ўзбекистоннинг расмий захиралари 800 млн. долларга ошганини кўрсатмоқда.

БАНК ҲУҚУҚШУНОСИ



Банкнинг бирон-бир хизмат туридан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал, ушбу хизмат тури ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, юзага келиши мумкин бўлган масалаларни аниқлаш ҳамда ўз мажбуриятларини (шу жумладан молиявий) англаб етиш талаб этилади.

БАНК ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА

Агар банк хизматлари шартнома тузиш асосида амалга ошириладиган бўлса, ушбу шартномани имзолашдан аввал унинг барча шартлари ва қоидаларини тижорат банкининг мутахассиси билан биргаликда диққат билан ўрганиб чиқиш зарур. Шартномада учраши мумкин бўлган нотаниш терминлар ҳамда шартнома қоидаларини тўлиқ тушуниш юзасидан банк ходимларига мурожаат этишдан уялманг. Чунончи, барча тижорат банкларида жисмоний шахсларга, шу жумладан, махсус молиявий билимларга эга бўлмаган миқдорларга оддий, тушунарли тарзда банк маслаҳатларини бериш вазифаси юклатилган мутахассислар мавжуд.

Шартномани имзолашга шошилманг. Иложи бўлса уйга олиб кетиб, унинг барча шартларини диққат билан ўрганиб чиқиш зарур.

Шартномани имзолаш орқали сиз унинг барча шартларига рози эканлигини тасдиқлайсиз ҳамда шартнома шартларини тўлиқ бажариш мажбуриятини ўз зиммангизга оласиз. Шартнома шартларини бажармаган тақдирингизда, банк судга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир фуқаро тижорат банкidan ипотека ёки истеъмол кредитини олиш ҳуқуқига эга. Банкдан кредит олиш қарз олувчига кредитнинг асосий қарзини ҳамда ушбу кредитдан фойдаланган давр учун ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтариш мажбуриятини юклайди. Бунда банк томонидан кредитдан фойдаланганлик учун қарз олувчидан қўшимча тўловларни ундирилишига йўл қўйилмайди.

КРЕДИТ ХИЗМАТЛАРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК?

Одатда, тижорат банклари томонидан кредитлар доимий даромадга эга бўлган, тўловга лаёқатли, кредит шартномасига асосан тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш қобилиятига эга фуқароларга ажратилади. Қарз олувчиларни кредитлаш қоидалари ҳамда уларнинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини аниқлаш усуллари ҳар бир тижорат банки томонидан мустақил равишда белгиланади. Банк томонидан кредит ажратиш жараёнида қарз олувчи томонидан қўшимча харажатлар (гаров предметини суғурталаш, гаров шартномасини нотариал тасдиқлаш билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.) кўзда тутилган бўлиши мумкин. Шунинг учун қарз олувчи кредит шартномасини имзолашдан аввал, барча қўшимча харажатларни ҳисобга олиши лозим.

Қарз олувчи кредит шартнома шартларини тегишли равишда бажармаса, банк кредитдан фойдаланганлик учун тўловни юқори фоиз ставкаларида, шунингдек, неустойка (жарима ва пеня) тўланишини талаб қилиши мумкин.

Ҳуқуқшунос М. МАМАДАЛИЕВ
тайёрлади.

"Толибон" ҳаракати Афғонистондаги телеканаллар учун янги қоидаларни жорий этди.

АЁЛИ БОР СЕРИАЛЛАР УЧУН ТАҚИҚ



Мамлакатда аёллар иштирокидаги сериаллар, шариат қоидаларига зид кино ва кўрсатувлар ҳамда аёллар ва эркеклар ярим яланғоч ҳолда бўлган клипларни намойиш этиш тақиқланди.

Янги қоидаларга кўра, барча телеканаллар кўрсатувлари шариат ва ахлоқ меъёрларини бузмаслигини, кўнгилоҳар ва ҳажвий дастурлар диний эътиқодни таҳқирламаслигини назорат қилиши лозим.

БОШ ВАЗИР ОНЛАЙН КАЗИНОЛАРГА ҚАРШИ

ГРУЗИЯ. Бош вазир Гарибашвилининг таъкидлашича, онлайн казинолар сабабли мамлакатдан ҳар йили 482 млн. АҚШ долларини миқдорида маблағ чиқиб кетяпти.

Амалдорнинг қўшимча қилишича, онлайн казинога кириш учун ёш чеклови 18 дан 25 ёшгача оширилади. Кейинчалик эса бутунлай тақиқланади.



NASA ОЙДА АЭС ҚУРИШ НИЯТИДА



АҚШ. NASA ва Айдаҳо миллий лабораторияси Ойда атом электр станцияси қурилиши бўйича ғояларни йиғишни эълон қилди.

Қайд этилишича, ядровий реактор Ойдаги муҳит шароитидан қатъи назар, ишончли ва кучли энергия тизими билан таъминлаш имконини беради.



Реактор Ерда қурилади ва Ойга жўнатилади. Режага кўра, реактор инсон иштирокисиз ёниб-ўчиши, қўниш модули бортида ишлай олиши ва ташиш учун қулай бўлиши лозим.

МАЛАЙЗИЯ. Кота-Барушаҳрида яшовчи, туғруқхонада алмашиб қолган эгизаклар орадан 19 йил ўтиб ўтказилган ДНК тести туфайли ҳақиқатни билиб олишди.

АЛМАШИБ ҚОЛГАН ЭГИЗАКЛАР

Ўтган йиллар давомида Адрияни ва Адрияна Ивани ўзларини бир-бирига ўхшамайдиган эгизаклар деб ҳисоблаб келишган. Бу вақт давомида улар биологик опа-сингил эмаслигини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Қизлар ДНК тестидан ўтганидан сўнг ҳақиқат юзага чиқди. Маълум бўлишича, туғилганда опа-сингиллардан бирини алмаштириб қўйишган ва бошқа оилага бериб юборишган. Адри-



янанинг ҳақиқий эгизак сингиси Пантаи Кундор туманида яшовчи бошқа оилада ўсган Норатир (Атира) Хусин бўлиб чиқди.

Ҳақиқатни билгач, алмашиб қолган қизлар фамилияларини ўзгартиришга аҳд қилишди.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯЛИ ЎСИМЛИК ЯРАТИШДИ

ШВЕЦИЯ. Линчепинг университети-

нинг янги тадқиқоти ўсимлик илдизларини энергия захираларига айлантириш мумкинлигини кўрсатди. Илдиз электр ўтказиш қобилиятига эга бўлиши учун уни махсус эритма билан суғориш талаб этилади.

2015 йилда жамоа ўсимликка PEDOT ўтказувчи полимер қўшиш йўли билан атиргулларнинг томир тўқималарида электр занжирлари яратган эди. Кейинчалик ундан транзисторларни шакллантиришда фойдаланилган. 2017 йилда олимлар унинг ўрнига ўсимлик ичида ҳосил бўлган конъюгацияланган олигомер ETE-S жорий этишган. У эса электр энергиясини тўплай оладиган электр ўтказгичга айланган.



АВСТРАЛИЯ. Қизил қисқичбақалар Рождество оролидаги йўллар, кўприklar ва умуман, барча очик жойларини босиб олди.

Орол қисқичбақалар "ҳужумига учради"

Жонзотларни автомашиналардан ҳимоя қилиш учун кўриқхона ходимлари уларнинг йўлини тўсиш чоралари кўришяпти. Маълум қилинишича, антиқа "денгиз қароқчилари" сув остида кўпаяди ва яна чакалакзорга қайтади.



Президентимиз томонидан тақдим этилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат бўлиб, у беш йил аввал қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг доирасида амалга оширилган муваффақиятли ислохотларнинг узвий давоми эканлиги билан аҳамиятли. Хусусан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналиши — миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифаларни Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари доирасида бошланган ислохотларнинг узвий давоми сифатида баҳолаш мумкин. Ўз ўрнида шуни ҳам айтиш жоизки, самарали амалга оширилган ислохотлар навбатдаги муваффақият гаровидир.

АСОСИЙ МАҚСАД — АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ЯИМ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ

2022–2026 йиллардаги устувор вазифа сифатида айнан иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш орқали аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини ошириш кўзда тутилганлигида ўзига хос маъно бор. Ўтган беш йил, яъни 2017–2021 йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш стратегиялари қабул қилинди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, хусусан, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш орқали ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлиги оширилди. Ўз навбатида, ҳудудларнинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди, уларга хорижий инвесторларни жалб қилиш учун тегишли имтиёз ва преференциялар тақдим этилди.

Етакчи тармоқларга ихтисослашган кичик саноат зоналари бунёд қилиниб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инфратузилмалар яратилди. Йирик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган инновацион технопарклар ташкил этилиб, уларда замонавий илм-фан ютуқлари орқали яратилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш орқали сайёҳлик инфратузилмаси ривожлантирилди, сайёҳлик хизматлари таркиби (зиёрат туризми, тиббий туризм, кино туризми ва ҳ.к.)нинг янада кенгайтирилиши натижасида мамлакатнинг сайёҳлик потенциали йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2022–2026 йилларда юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишларда ҳаётга татбиқ этилган ислохотларни самарали давом эттириш, мавжуд ресурс ва имконият-

МУВАФФАҚИАТЛИ ИСЛОХОТЛАР — ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШЛАНИШИ

ларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада ошириш, 2030 йилга бориб эса жон бошига ҳисоблаганда, Ўзбекистоннинг аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши мақсад қилинган.

Бунга ўз навбатида, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш орқали эришиш кўзда тутилган. Айтиш лозимки, иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг самарали ва жадал ривожланиши мамлакатдаги ЯИМ ҳажмининг ортишига, яъни, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ички маҳсулот ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ОРҚАЛИ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Қайд этиш муҳимки, 2017 йилда бошланган иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор механизмлари ролини оширишга қаратилган энг муҳим иқтисодий ислохотлардан бири — бу миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиш тамойилларини жорий этиш орқали ички валюта бозорининг босқичма-босқич либераллаштирилиши билан боғлиқ амалий қадамлар бўлди.

Шу билан бирга, пул-кредит (монетар) сиёсати соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, тўлов тизимлари ривожлантирилди, чет эл валютасини чекловсиз

сотиб олиш имкони яратилди, нақд пул муаммоси ҳал этилди, узлуксиз ишловчи автоматлаштирилган банк-матлар фаолияти йўлга қўйилди.

Валюта ва ташқи савдонинг либераллаштирилиши натижасида ташқи савдо ҳажми жадал ўсиб бормоқда. Иқтисодиётга бозор механизмлари тамойилларининг жорий этилиши, нархларнинг эркинлаштирилиши ва шу билан боғлиқ бошқа ислохотлар ортидан мамлакатда ички нархлар барқарорлигини таъминлаш, инфля-

цияни паст даражада ва барқарор ушлаб туриш устувор вазифа сифатида олдинга чиқди.

Шу боис, Тараққиёт стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш навбатдаги вазифа сифатида тасдиқланди. Зеро, мамлакатда ички нархлар барқарорлигининг таъминланиши макроиқтисодий ва ижтимоий мувозанатнинг кафолати ҳисобланиб, бу, ўз навбатида, иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ҳамда ривожлантириш дастурларининг муваффақияти учун зарур мезон саналади.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, инфляциянинг паст ва барқарор кўрсаткичлари иқтисодий ўсишдаги мувозанатни таъминлашда, шунингдек, ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ва аҳоли яшаш даражасини оширишда муҳим омил саналади. Шу нуқтаи назардан, нархлар ўсиш суръатларининг пасайиши ва барқарорлашиши давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлиши лозим.

ФИСКАЛ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўтган беш йил ичида Ўзбекистоннинг фискал соҳадаги сиёсати тубдан ўзгарди. Хусусан, бюджетнинг шаффофлиги ва очиқлиги таъминланди, солиққа тортишни соддалаштириш ва такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди, яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш юзасидан бир қатор самарали чора-тадбирлар бажарилди.

Шунингдек, бюджет маблағларидан оқилон фойдаланиш тизими

такомиллаштирилди. Бунда Олий Мажлиснинг бюджет жараёнидаги роли ва ўрни мустаҳкамланди, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ваколатлари кенгайтирилди, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ишга туширилди. Ўзбекистон Республикасининг суверен халқаро obligationлари чиқарилиб, ундан тушган маблағлар мамлакат фаровонлиги йўлида стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2022–2026 йилларда Ўзбекистонда бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш вазифасига устуворлик берилмоқда. Чунки, мамлакатда фискал дефицитнинг ортиб бориши ва ташқи қарзларнинг халқаро даражада белгиланган меъёрлардан ошиб кетиши миллий иқтисодиётга хавф туғдириши мумкин.

Шунингдек, мазкур стратегияда бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилган.

Фискал соҳада белгиланаётган мазкур устувор вазифалар аввалги ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланиб, бу, бир томондан, бюджет даромадларини оқилон шакллантиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, бюджет харажатларининг самарали сарфланишига сабаб бўлади. Пировард натижада мамлакатда иқтисодий фаоллик ортиб, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида келгуси беш йилликда мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш борасидаги бир қатор стратегик вазифалар белгиланган. Бу Ҳаракатлар стратегияси доирасида самарали амалга оширилган ислохотларнинг узвий давоми ёки бошқача айтганда, янги муваффақиятнинг бошланиши бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурқат ЮНУСОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази бўлим бошлиғи.

ТАЛАБА ДАВЛАТ ИМТИҲОНИДАН ЙИҚИЛСА...

Ёшлар сиёсати борасида амалга оширилаётган ислохотлар йўлида яна бир қадам босилди. Айтиш мумкинки, бу таълим муассасалари ўқув жараёнининг сифатини ошириш, рақамли технология ва таълим платформаларини жорий қилиш, талаба-ёшларни илмий фаолиятга жалб этишга хизмат қилади.

Адлия вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритишни назарда тутув-

чи буйруғи давлат рўйхатидан ўтказилди. Унга кўра, якуний давлат аттестация синовидан ўта олмаган шахс кейинги ҳар бир ўқув йилида (3 йил давомида) ўз аризасига мувофиқ 2 мартагача имтиҳонни қайта топшириш ҳуқуқига эга.

Маълумки, олдинги тартиб бўйича битирувчи якуний давлат аттестацияси синовидан ўта олмаган тақдирда, кейинги йилларда қайта топшириш ҳуқуқига эга эди. Ушбу ҳолат талаба учун бирмунча қийинчиликлар, хусусан, унинг бир йиллик қимматли вақтини мақсадли сарфлай олмаслигига сабаб бўлиб келган. Эндиликда талабалар томонидан қайта топшириш тўғрисидаги аризалар



йиғилишига қараб бир ўқув йилида икки мартагача давлат имтиҳонларини қайта топшириш имконияти яратилди.

Бир сўз билан айтганда, ёшларнинг таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши, етук ва комил шахслар бўлиб улғайиши янада долзарб вазифага айланди. Мақсад — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, интеллектуал ва маънавий етук, ташаббускор ёшларни Янги Ўзбекистоннинг драйверига айлантириш.

М. ТОШҚОРАЕВА.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор янада кучайди. Бу борада филиалимиз жамоаси тегишли тадбирларни амалга ошириб, изланувчан тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллариинг хайрли ишларига мадад беришга ҳаракат қилаяпти.

ТАДБИРКОРЛАРГА ҲАМИША ҲАМКОРМИЗ

Ҳозирда мамлакатимизда қурилиш кўлами ҳар қачонгидан авжида. Бунёдкорлик ишларида бизнинг мижозларимиз саналган вилоятимиздаги бир қатор йирик корхоналар фаол иштирок этишяпти. Масалан, Кармана туманидаги “Karmana Dilnur” МЧЖнинг асосий фаолияти темир бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат. Корхонадаги иш кўламини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 180 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилди. Бу, корхонанинг ўз айланма маблағларини 200 миллион сўмга кўпайтириши ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга имкон яратади.

“Navoiy sheben xom-ashyo” ХК ҳам фаолиятини кенгайтириш мақсадида клинкер ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олишга эҳтиёж сезаётгани. Бу борада мижозимизга 950 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Пировардида корхонада цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хомашё, яъни клинкер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Йирик ва етакчи саноат корхонаси саналган “Қизилқумцемент” АЖ ҳам банкимизнинг турли хизматларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Мазкур жамият фаолияти учун зарур бўлган 4-сонли клинкер ишлаб чиқариш технологик тармоғини қуриш лойиҳасини режалаштирди. Хайрли мақсад учун банкимиз ўз маблағлари иштирокида 19 миллион Евро миқдорида кредит ажратди. Ушбу кредит ишлаб

чиқариш самарадорлигини ошириш баробарида янги иш ўринларини ташкил этишга йўналтирилгани билан аҳамиятли.

Шунингдек, “Kar-rig-trans”, “Heating radiators”, “Xatirchi jaloyir trans yo'l” каби бир қатор қўшма корхона ва масъулияти чекланган жамиятлари ҳам берилган йирик кредитлар ҳисобига фаолиятларини янада кенгайтиришга эришдилар.

Бугунги кунда тадбиркор аёл жамиятимиз ҳаётида мустақкам ўрин эгаллади. Яратувчилик меҳнатига иштиёқи баланд, замонга ҳамнафас опа-сингилларимиз сафи тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истакда бўлган хотин-қизларга ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун кўмак бериш доимий эътиборимизда. Йилнинг ўтган даври мобайнида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан изланувчан аёлларга тегишли кредитлар ажратиб борилди. Чунончи, маиший хизмат ва сервис кўрсатиш соҳасида иш бошлаганларга 1 млрд. 738 млн. сўм, тадбиркор аёлларнинг айланма маблағларини тўлдиришга 7 млрд. 394 млн. сўм, ишлаб чиқариш соҳасида шуғулланаётганларга 3 млрд. 241 млн. сўм, қишлоқ хўжалиги йўналишидагиларга 274 млн. сўм миқдорида молиявий кўмак кўрсатилди. Мухтасар қилиб айтганда, ўтган 10 ой ичида 91 нафар тадбиркор аёлларга 15 млрд. 699 млн.

сўм миқдорида кредитлар ажратилиши баробарида қатор қўшимча иш ўрни яратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мижозларимизга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишни устувор вазифа деб билган жамоа жорий йилни барча кўрсаткичлар бўйича ижобий натижалар билан якунлашга интиляпти. Бу борада У.Омонов, К. Хаитов, Х. Пармонов, Б.Муротов, Л. Ракаев каби ўз касбининг фидойилари бўлган ходимларимизнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор.

Ишончли, сифатли ва тезкор. Банкимизга мижозлар томонидан берилган бу эътирофга лойиқ бўлиш учун аҳил ва изланувчан ҳамкасбларимиз бор билим ва имкониятлардан янада самарали фойдаланадилар, деган умиддаман.

Ҳикматилла ШЕРНАЗАРОВ,
Навоий филиали бошқарувчиси.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 10 ОЙИДА:

— хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 11 млрд. 421 млн. сўм;

— айланма маблағларни тўлдиришга 31 млрд. 775 млн. сўм;

— қурилиш соҳасига 3 млрд. 559 млн. сўм;

— қишлоқ хўжалиги соҳасига 324 млн. сўм, жами 364 та хўжалик субъектига 341 млрд. 770 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Бунинг натижасида 117 та янги иш ўринлари яратилди. Белгиланган фойда режаси 113.3 фоизга бажарилди.

Ангрен республиканинг саноатлашган шаҳарларидан ҳисобланади. Аҳолиси асосан тадбиркорлик билан шуғулланади. 2017 йилдан банк операцияларини амалга ошираётган филиалимиз қисқа фурсатда шаҳар аҳолисининг ишончини қозонди. “Great Wall Ceramic Industries”, “Teploizolyasionnaya Kompaniya”, “Fresh Market Angren” каби масъулияти чекланган жамиятлари ва қўшма корхоналар бугун энг йирик ҳамкорларимизга айланган.

БАНК РАВНАҚ ЭЛЧИСИ

Ўтган йиллар мобайнида асосан янги мижозлар жалб қилинди ва бунинг ҳисобига 2019 йилдан буён фойда кўрсаткичлари мунтазам бажариб келинмоқда. Пандемия даврида ҳам жамоамизнинг яқдиллиги боис муаммолар бўлмади. Ва “Энг яхши мижоз жалб қилган филиал” сифатида ғолиб бўлди.

Мижозлар билан ҳамкорлик ютуқлар оми-

ли бўлмоқда. “Great Wall Ceramic Industries” қўшма корхонаси ташкил қилинган пайтларда молиявий кўмакка муҳтож эди. Кафель ишлаб чиқариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар етишмасди. Корхона раҳбарлари бизга мурожаат қилди ва қисқа вақт орасида 2,6 миллион АҚШ доллар маблағ билан моддий қўллаб-қувватланди, йирик корхонага айланди. 2021 йилда яна 4 миллиард сўм кредит эвазига қўшимча иш ўринлари яратиб, тармоғини кенгайтирди.

“Teploizolyasionnaya Kompaniya” масъулияти чекланган жамияти Россия давлатига тегишли корхона бўлиб, теплоизоляция маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Йирик ҳажмда экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш ҳисобига банкка катта даромад келтиради.

“Fresh Market Angren” МЧЖ ҳам доимий мижозларимиздан. Бугунги кунда шаҳарда 3 та йирик супермаркет тармоғига эга. Ҳисобрақами дебет айланмасидан филиал манфаатдор. Бу



каби ҳамкорликлар ҳисобига иқтисодиётимиз ривожланмоқда.

Айни дамда янги мижозларни кўпайтиришга киришганмиз. Бу борада Шухрат Юнусов, Шоира Нигматова, Даврон Мираҳмедов, Элёр Нишонов каби ходимларимиз бошқаларга намуна кўрсатяпти. Уларга кўмакчи сифатида “Омад” банк хизматлар офисининг ташкил қилиниши ҳам муваффақият келтирмоқда. Мазкур БХОга Илҳом Баировдек изланувчи, тажрибали иқтисодчи раҳбарлик қилади. Ҳозирда кичик банкнинг 103 та мижози бор. Уларга Дилдора Парпиева ва Шаҳзод Хидировлар хизмат қилмоқда. Банк равнақ элчиси. У илдиз отган жойда албатта, тараққиёт бўлади.

Абдурашид БОЙМАТОВ,
Ангрен филиали бошқарувчиси.



“Sistrom Urgench” МЧЖ “Hamkorbank” АТБ Урганч филиалининг йирик ҳамкорларидан десак, янглишмаймиз. 2011 йилда ташкил қилинган корхона тадбиркорликнинг ёрқин тимсолига айланди. Шу кунга қадар катта ўсиш-ўзгаришлар йўлини босиб ўтди. Аҳоли эҳтиёжини қондириш, хусусан, турли диаметрдаги юқори босимли ичимлик ва канализацион полиэтилин қувурлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш, замонавий технология воситаларини ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этишда тараққиётга эришди.

Жамият дастлаб фаолиятини 2 нафар ишчи билан бошлаганида очиги ривожланишига унча ишонч билдирилмаган. Бироқ, Нуриддин Болтабоевнинг тадбиркорлиги ва изланувчанлиги билан корхона 2018 йилда “Hamkorbank” АТБ Урганч филиалида ҳисоб-рақамини очади ва дадил қадамлар билан ривожланиш асоси-катта миқдордаги кредит маблағи- 1 миллиард маблағ олади. Молиявий кўмак ишнинг олдинга силжишига сабаб бўлди. Тез суръатда ривожланган корхона муддатидан олдин кредит маблағларини қайтарди.

Таъкидлаш лозимки, корхона банк филиали билан ўзaro фойдали ҳамкорликка киришган йилдан буён 5 марта кредит маблағлари ажратилди. Унинг жами ҳажми 5 миллиард сўм ва 512 минг 700 АҚШ доллари тенг. Энг муҳими, ушбу маблағлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ортди, қўшимча 200 тонналик совутгич ташкил этилди, банк олдидаги барча қарзлар, бурч ва мажбуриятлар ўз вақтида бажарилди. Берилган кредитлар жорий харажатлар учун эмас, балки янги ва замонавий технологик ускуналар, воситалар сотиб олиш, фаолиятини кенгайтириш каби истиқболли мақсадлар учун сарфланди.

— 2019 йилда гофра ва ПВХ қувурлари ишлаб чиқариш воситалари кредит маблағлари эвазига сотиб олинди. Корхонамизнинг валюта операцияларини ҳам мазкур банк орқали амалга оширяпмиз. Бу ишлаб чиқаришдаги салоҳиятимизни таъминлапти, — дейди корхона раҳбари Нуриддин Болтабоев.

Харажатлар навбатдаги банк кредити ҳисобига қопланди. Ажратилган 200 минг АҚШ доллари ҳамда айланма маблағ сифатида 1 миллиард сўм кредит эвазига иқтисодий ривожланиш тез суръатда ўсиб борди. Ва қарздорлик муддатидан олдин қайтарилди. Бу эса “Sistrom Urgench” МЧЖнинг банк олдидаги ҳурматини яна бир поғонага кўтарди.

Ўз ўрнида янги иш ўринларга бўлган эҳтиёж ортиб, 7 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Устоз-шогирд аъъанаси асносида янги иш бошлаганларга тажрибали устозлар бириктирилган.

Хулоса ўрнида айтганда, миожлар манфаати банк ходимлари учун доимо устувор ва фаолиятида асосий ўрин эгаллайди.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

“Hamkorbank” АТБнинг Қарши филиали ташкил топганда ҳамма қатори мен ҳам қувонганман. Чунки ёш оиламиз, болалар ўсаётган пайтлар, эҳтиёжларимизни маошимиз билан қоплай олмасдик. Рўзғоримизни тўлдириш учун маблағ доим ҳам етарли бўлмаган. Ҳаётимизни яхшилаш учун кредитлар олиб, уй-жойлар қилганмиз, рўзғорга зарур анжомларни олганмиз.

ИШОНЧЛИ ДЎСТ

Секин-секин тўқис ҳаётга эга бўлдик, оздан ошина бошладик. Эсимда, 2015 йилда илк бор 15 миллион маблағимизни банкка омонат қўйганман. У пайтларда банклар бугунгидай кўп эмасди. Саноқлигина бўларди, аммо энг ишончли “Hamkorbank” эди. Эҳтиёж сезилганда фойзаларни олиб турдик. Асосийси маблағимиз кўпаяверди.

40 йилдан ортиқ Қаршидаги ижтимоий кўмакка муҳтож болалар махсус мактаб-интернатида ўқитувчи бўлиб ишладим. Фаолиятим давомида турли яхши ва ёқимсиз ҳолатларга дуч келдим. Ўз манфаати йўлида тубанлик қилган кишиларни ҳам учратдим. Бироқ, банк жамоаси бизга ҳамisha “меҳр кўзи” билан қарайди, ҳурмат қилади.

Баҳромжон Остонов, Самандар Пўлатов каби ходимлар намунали хизмат кўрсатиб келишмоқда. Кассир қиз бор-Озода Шамсуддинова. Жуда меҳрибон ва хушмуомала. Худди қизимдай бўлиб қолган. Ҳар бир инсоннинг орзуси каби мен ҳам ният қилгандим-Умра зиёратига бориб келдим. Бунда банк ходимларининг ҳам ҳиссаси бор. Уларнинг фаолиятларига муваффақиятлар тилайман.

Ойсанам РАҲИМОВА,
Қарши шаҳри, Беклар маҳалласи.

Ишхонага ҳамкасбим Шахло опа асабий ҳолда кириб келди: “шу телефонни ўйлаб топганни уйи куйсин”...

— Вой, нега ундай дейсиз, шу телефон сабаб узоғимиз яқин, оғиримиз енгил бўляпти-ю, сизнинг гапингизни қаранг, — дея унга сўз қотди яна бир ҳамкасбимиз.

Шахло опа хижолатомуз ҳолда сўзини давом эттирди.

— Тўғрику-я, аммо бу зормонданинг зарари ҳам аччиқ бўляпти-да. Жияним Раънонинг фотиҳасини қилгандик, келаси ойнинг ўн бешига тўй белгиланган. Кўричак бўлиб шифохонага тушиб қолган Раънони кўришга борган куёв уни телефонда биров билан SMS ёзишиб ўтирганини кўради. “Ким у, телефонингни бергин, бир кўрай” — деса, “синфдошим эди” дея, кўрсатишга рози бўлмайди. Бўлажак куёв телефон қилсам доим банд, буниси энди ошиб тушди, мен фотиҳа қилинган қизнинг бировлар билан телефонда лақиллашини ҳазм қилолмайман, яхшиси умуман телефон ишлатмайдиган қизга уйланаман, — деб фотиҳасини бузибди. Шифокорлар оиласи бўлган бу хонадонни маҳаллада ҳамма ҳурмат қилади. Йигит ҳам ўқимишли, келишган, баъмани, бўлажак шифокор эди. Энди ҳаммамиз афсусдамиз.

— Ҳамма айб қизнинг

телефон ишлатиш маданиятининг йўқлигида, дея гапга қўшилди Лазиза. — Тўғрида ахир телефон зарур эҳтиёжлар учун-ку! Агар телефонни ўзимизнинг фойдамизга бўйсундира олмасак, унинг ўзи бизларни ўзига тобе қилиб қўяди.

— Талабалик йилларимиз бир йилда бир марта каникулдагина уйга борардик, фақат хат орқали гаплашардик. Телефон деган

қилади, қўшнилари суҳбати телефонга кўчган, фарзандларга вазифалар телефон орқали берилади, ота-она, жигар-бағирдан телефон орқали ҳол сўралади. Янги туғилган чақалоққа телефон алла айтади, болани овутишнинг энг яхши йўли кўлига телефон тутқазиш.

Баъзан ўйланиб қоласан, тараққиётнинг бу буюк мўъжизаси ҳали вақтлар келиб бизларга қимматга тушмас-

ТАРАҚҚИЁТНИНГ

нарсаси бўлмаган. Аммо ота-онамиз бизларни ишониб, уйдан олисда ўқишимизга шароит яратиб берган. Бугун бўлса улар ҳатто мактабда ўқийдиган фарзандига ҳам телефон тутқазиб, қаерда юргани-ю, нима билан машғуллиги ҳақида суриштириб туради, — суҳбатга қўшилди Дилфуза опа.

Дарҳақиқат, бугун мобил телефонлар ҳаётимизга шу қадар яқин бўлдики, у кундузлари юрагимизга яқин, тунлари ёстиғимиз остида, доимо хаёлу хотирамизда биз билан бирга. Бордию, уни бирор жойда унутиб қолдирсак, энг азиз нарсамизни йўқотгандек саросимага тушиб қоламиз. 80-90 ёшли кексалар ҳам телефонда сўзлашади, ёшлар телефонда муҳаббат изҳор

МАЪНАВИЯТГА ХУРУЖИ

микан? Бугун унинг кўз илғамас зарарлари эрта бир кун ўзимизни домига ютмасмикан? Шу биргина телефон бизнинг азалий қадриятларимиз меҳр-оқибат, жигарчилик, яхшилик, инсонийлик, муҳаббат каби гўзал туйғуларимизни яксон этиб бораётгандек.

Маълумотларга кўра, Франция, Италия, Кипр, Исроил давлатларида боғча, мактаб, коллежларда уяли телефондан фойдаланиш тақиқланган экан. Японияда поезд купесида мобил телефондан фойдаланиш маданиятсизлик белгиси ҳисобланаркан. Буюк Бри-

сусайиши мумкин.

Эрталабда автобус кутиб тургандим, 16-17 ёшлардаги қиз бекат томон катта йўлни кесиб ўта бошлади. Узоқдан “Дамас” автомашинаси сигнал бериб келар, қиз бўлса, унга парво қилмасди. Биз бекатдагилар ҳайрон эдик. Ёнимда турган киши: — “нима карми бу қиз, машина сигналини эшитмаяпти? — деган эди, унинг ёнидаги ёшгина йигит”, — эшитмайди-да қулоғида “наушник” бўлгандан кейин”, — деди.

Баъзан ўйланиб қоласан — бу телефонлар тараққиётнинг маънавиятга хуружимикин ёхуд маънавиятга етказилаётган зар-

бамикан? Унинг ижобий томонларини инкор этмаймиз. Тўғри, у сабаб олисдаги ота-онамиз ҳолидан хабар оляпмиз. Қувончуташвишларимизни яқинларимиз билан баҳам кўряпмиз. Йиллаб кўришолмаётган собиқ курсдошимиз ёки дўстимиз билан телефон орқали дийдорлашяпмиз. Турмушимизда содир бўладиган маиший муаммоларни баъзан биргина телефон қўнғироғи орқали ҳал қияпмиз. Аммо бир аччиқ ҳақиқат

борки, айнан шу телефон сабаб оилалар бузиляпти. Фарзандлар тирик етим, дўстлар душманга айланяпти ёхуд меҳр-оқибат, инсонийлик, муҳаббат топталмоқда.

Дўппини бошдан олиб ўйлайдиган вақт келди. Эртага кеч қолмаслик учун, маънавий бўшлиққа, руҳий изтиробга, моддий таназулга юз тутмаслик учун ҳам бугун сергак бўлайлик. Яқинларимизни, фарзандларимизни огоҳ этайлик. Биргина лоқайдлик бутун бир бахтсизлик ўпқонини яратишини унутмайлик.

Феруза ОРИПОВА,
Тошкент.

Регистон майдони ер юзининг сайқали деб тан олинган, Амир Темури бирлаштирган йигирма етти давлат пойтахти бўлган машхур Самарқанднинг ўзига хос ва мос кўзгусидир. Дастлаб Баҳодир Ялангтўш даврида шаклланган.


"Регистон" сўзи форс тилидан олинган бўлиб, "қумли жой" деган маънони билдиради. "Рег" - қум, "истон" - туриш жойи демакдир. Тарихий маълумотлар ва илмий ашёвий далилларга асосланиб, айтиш мумкинки, бу ердан жанубий шарқдан, шимолий ғарбга томон катта ариқ оқиб ўтган. Вақт ўтиб ариқ қуригандан сўнг, ўрнида қумлоқ жой қолган. Ана шу асосда "Регистон" сўзи келиб чиққан.

Амир Темури ҳукмронлиги даврида ҳозирги Регистон майдони ўрнида марказий бозор бўлган. Ана ўша даврдан Самарқанд жаҳонга машхур илму фан ва ҳунармандчилик маркази сифатида дунёга танилган.

Бу ерга етти иқлимдан донишмандлар, олиму фузалолар келиб Мирзо Улуғбек атрофига тўпланишган. Сон-саноқсиз зиёратчилар, Шоҳи Зинда мақбарасига келган савдогарлар шаҳарни томоша қилиш билан бирга машхур Самарқанд қоғозини ва бошқа кўплаб турли ноёб ҳунармандчилик ҳамда яна қатор ноёб молларни харид қилган.

Барча йўллар Самарқанд шаҳрининг савдо-ҳунармандчилик маркази ҳисобланган Регистонда бир-бири билан туташган. У ҳунармандлар кўчаси бўлиб, заргарлар растаси орқали Арк билан боғланган.

Асрлар давомида Регистондаги иншоотлар уч



РЕГИСТОН ансамбли

марта ўзгарди. Дастлаб бош кийимлар сотиладиган усти ёпиқ гумбазли тим қурилади. Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврига келиб майдонда қайтадан режалаштириш ишлари амалга оширилади. Чунончи, бу жойлар вақфга топширилгани учун бозор тимлари бошқа жойга кўчирилади ва майдоннинг ғарбий қисмида дастлабки бино ҳисобланмиш Улуғбек мадрасаси қурилади.

Кейинчалик мадраса рўпарасида, ҳозирги "Шердор" мадрасаси ўрнида, "қуш" услубидаги Улуғбек хонақоси барпо қилинган. Унинг фасади Улуғбек мадрасаси пештоқига нисбатан қисқароқ бўлган.

XV асрнинг 30-йилларида Шоҳруҳ Мирзонинг мураббийи, ўз замонасининг кўзга кўринган илм арбоби Алайка Кўкалдош ҳокиму ҳукамо ва шарии

ат пешволари билан келишилган ҳолда, янги шаҳар жомеъ масжидини қурдиради. Масжид тўғри бурчакли (тахминан 90х60 м.) режада қурилган бўлиб, ғишт ва тош устунларга таянган гумбазли, катта ҳовлидан иборат бўлган.

Масжид ҳозирги Улуғбек мадрасасининг жануби шарқ томонида қурилган. Бу масжид Мирзо Улуғбек қурдирган масжиди Муқаттаъга яқин эди. Масжид деворлари қитъа-қитъа қилинганлиги ва нақшин ёғочлардан ясалганлиги учун "Муқаттаъ" деб аталган.

Ансамбль биноларини қайта тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Самарқанд ҳукмдори Амир Ялангтўш Баҳодир XVII асрда Шердор ва Тилақори мадрасаларини қуриб, Регистон майдони шуҳратини янада оширди ва гўзаллаштирди.

Бугун Регистон майдони янада ўзгача кўринишда. Асосийси, тарих билан келажакни боғлайди. Бориб кўринг, сиз ҳам бунга амин бўласиз.

Абдували КАБИРОВ.

Зарифа опанинг болаликдан онгу-шуурига муаллима бўлиш орзуси муҳрланган эди. Унинг наздида устознинг мавқеи ва ҳурмати осмон қадар юксак бўлган. Чиндан-да шундай, отаси эл ҳурматидаги муаллим бўлган. Мактаб даврида "аъло" баҳоларга ўқиган Зарифа опанинг ўқитуви бўлиш орзуси амалга ошди. Талабаликнинг шуқуҳидан завқланишни ҳам билди.

Илк бор синфга кирган бахтли онларини ҳамон мароқ билан эслайди. Турмушга чиққач 3 фарзандли бўлди. Уларни оқ ювиб, оқ тараб, қайнона-қайнотасининг дуосини олди. Бироқ, бахтига кўз тегди. Турмуш ўртоғи автоҳалокат туфайли оламдан ўтди. Рўзгорнинг бор ташвиши унинг бошига тушди. 6 жонни боқишнинг ўзи бўлмайди.

У ўқитувчиликдан савдогарликка ўтди. Дастлаб ўзи нон ёпиб, сота бошлади. Таниш-билиш орттирди. Бозорнинг чинакам ходимига айланди. Бироқ, болаларининг тарбиясига эътиборсиз бўлмади. Уларни келажакда ўқимишли инсонлар бўлишини истади ва китобни севишга ўргатди. Ўзи эса ибрат бўлди. Илгари қанчалар мутолани севса, ҳозир ҳам китоб ўқишни қанда қилмайди. Шу боис ҳар бир гапни ўйлаб гапирди. Оғир-босиқлиги, салмоқ билан сўзлаши бозорнинг "ёзилмаган қонунлари" олдида жуда кўп "синов"дан ўтган. Савдодан ҳориб-чарчаб келганда ҳам мутолаа билан ҳордиқ чиқарарди.

Фарзандлари олий маълумот олди, давлат ташкилотлари, турли корхоналарда ишлайди. Кўп ўқиганликлари

боис дунёқараши кенг инсонлар бўлиб улғайишди. Бироқ...

Носиржон

бироз



дангасароқ эдию, аммо зеҳни ўткир эди. Ўқиганларини ёнида сақларди. Онасидан баъзан қўрқиб, баъзан эса кўнгли учун қўлига китоб оларди. Тезлиги ва шошқалоқлиги ҳам йўқ эмасди. Улғайиб катта ташкилот раҳбари бўлдию онасининг савдога чиқишини ор билди. Кунларнинг бирида қатъий талаб қўйди: бозорга чиқиш йўқ. Ва сўзининг орасида бозорчи аёлларнинг тарбияси яхши бўлмаслигини ҳам айтиб ўтди. Болалигида кўп оғриганлиги боис Носиржоннинг кўнглига қарарди она шўрлик. "Салча беткачопар бўлиб ўсганини ҳисобга олмаса, ёмон бола эмас",

БУ ҲАЁТ

дерди. Кўнгли чил-чил синди, бироқ, тан олмасди. Дилбаңдининг сўзлари нашта каби қадалди юрагига, хафа бўлмасликка аҳд қилди, сукут билан енгди озорланган кўнглини. Яна доимги машғулот - мутолага тутинди. Шу онда тўнғич ўғли — Нодирбек

келиб қолди. Ҳолатни кўриб укасини койиди.

Бир вақтлар онасининг ёзганлари — хотира дафтарини асраб-авайлаб юрарди. Дафтарни укасининг олдига ташлади. Унда шундай сўзлар бор эди: "...Оллоҳим, ўғлим турмуш ўртоғимдан қолган омонат, уни ўзинг асраманг, менинг қурбим етмаяпти. Дардига шифо бер, жон керак бўлса, менинг жоним сенга қурбон..."

Носиржон бошини чангаллаб қолди. Волидасининг қалбига озор берганини тушунди...

Нилуфар
ИБРОҲИМЖОН қизи.

САЛОМАТЛИК

Инсон тараққиёт асрига қадар қуёшдан етарлича кўк рангдаги ёруғликни олган. Бугун эса у деярли ёпиқ иншоотларнинг ичида яшайди. Табиийки, бу қуёш нури етишмовчилигига олиб келади. Бу теридаги Т-лимфоцитлар ҳаракатлари ва касалликларни қўзғатувчилар билан курашиш секин кечийидан далолат беради.



ИНСОН ИММУНИТЕТИ қуёш нурига боғлиқми?

Тадқиқотчиларнинг сўзларига кўра, агар кўк рангдаги ёруғлик билан нурланиш организмга салбий таъсир кўрсатмаса, уни иммунитетига муаммоси бўлган кишиларга нисбатан қўллаш мумкин. Олимлар шунингдек, кўзнинг хиралашиши айнан қуёшда кам юришнинг оқибати эканлигини тахмин қилишмоқда. Бир неча ой илгари кўк рангдаги нурнинг жарроҳлик амалиёти вақтида инсон ички органларига зиён етишидан ҳимоялаши ҳам аниқланган эди.

КАМҚОНЛИКНИ ЕНГИШНИНГ ОСОН ЙЎЛИ

300 г. хом сабзи ва лавлагини катта қирғичдан ўтказиб олинг. Унга 300 г. асал қўшинг. Тайёр маҳсулотларни яхшилаб аралаштиринг ва музлатгичда сақланг.



Ушбу маҳсулотни кунига 1 маҳал эрта-лаб овқатланишдан 30 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилиш лозим.

Бир ҳафта ичида гемоглобин миқдори меъёрий ҳолатга келади.

Зулҳумор МАДАМИНОВА,
шифокор.

Катта, кичик ва ҳатто митти давлатлар ҳам бор. Улар тўғрисида деярли ҳамма билади ёки ҳеч бўлмаганда эшитган. Аммо дунёдаги энг тор мамлакат ҳақида кўпчилик билмайди. Бу қандай мамлакат? У қаерда жойлашган?



ДУНЁДАГИ ЭНГ ТОР ДАВЛАТ У ЕРДА ОДАМЛАР ҚАНДАЙ ЯШАЙДИ?

Дунёдаги энг тор давлат Полинезиядаги Тувалу мамлакати ҳисобланади. У Тинч океанида, экватордан жанубда жойлашган 26 квадрат километр майдонни эгаллайди ва ўзида атолллар (ҳалқа шаклидаги маржонлар ороли) ва кичик ороллари мужассамлаштирган. Ороллари бир-биридан жуда узоқда жойлашганига қарамай, кўп йиллар давомида маҳаллий аҳоли бу ерларни ўзлаштириб, яшаб келган.

Тувалу аҳолисининг энг катта қисми майдони тахминан 5 квадрат километрни ташкил қиладиган марказий Ваитупу оролида яшайди. Мамлакатдаги энг кичик орол – Ниулакита эса 420 квадрат метр майдонга эга.

Тувалу пойтахти Фунафути шаҳри алоҳида оролда жойлашган ва унда 5 минг киши истиқомат қилади. Бу ерда саноат корхоналаридан фақат совун ва тўқимачилик фабрикаси мавжуд. Энг йирик бионалири – ҳукумат уйи, аэропорт, миллий банк, полиция бўлими, меҳмонхона ва супермаркетдир. Шунингдек, ҳунармандчилик маркази ва китоб дўкони фаолият кўрсатади.

Мамлакатда тоғлар ва текисликлар йўқлиги сабабли фуқаролар ҳар куни тоза пляжларда дам олиш имкониятига эга.



Орол давлатда яшашнинг салбий томони ҳам бор. У ерда тошқин каби катаклизмлар тез-тез содир бўлиб туради.

Тувалу кичик давлат бўлишига қарамай, халқаро сиёсий муносабатларнинг тўла ҳуқуқли иштирокчиси сифатида БМТ аъзоси ҳисобланади. Ушбу орол давлатидан ҳатто Олимпиада ўйинларида ҳам спортчилар қатнашадилар.

Мамлакатнинг миллий валютаси – Австралия долларига тенг бўлган Тувалу доллари – металл тангалар фақат ички муомалада қўлланилади. Пулларнинг унчалик қулай бўлмаган шакли туфайли маҳаллий аҳоли кўпинча бошқа валюталардан, хусусан, Австралия долларидан фойдаланади.

Миллий таомлар турли хил денгиз маҳсулотлари ва тропик меваларга асосланган бўлиб, қисқичбақалар, тошбақалар, балиқ ва омарлардан зираворлар қўшилган мазали таомлар тайёрланади. Маҳаллий вино эса сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли орасида жуда машҳур.

Мамлакатда энг ривожланган соҳа туризм ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланади. Бу соҳа аҳолига асосий даромад келтирганлиги сабабли бу ерга ташриф буюрадиган кўплаб сайёҳлар бажонидил кутиб олинади.

Баҳора МУҲАММАДИЕВА
тайёрлади.

Автобус ойнасидан атрофига боқиб кетаётган Комилжон ака беихтиёр орқа ўриндикда ўтириб олиб, тинмай бижиллаётган кичкина йўловчиларнинг гапларига қулоқ тутди:

— Комрон ака, мен-чи катта бўлсам сизга самолёт обераман.

— Ука, менчи сенга биттамас, иккита мошин обераман, бирида дадамни, бирида аямни олиб юрасан, бўптими?

Бошқа йўловчилар ҳам уларнинг суҳбатини эшитиб кетаётган чоғи, гуриллаб қулгу кўтарилди. Болаларнинг аяси хижолатомуз “жим” деди. Лекин кичкиналар уларга эътибор бермасдан бири олиб бири қўйиб, сайрашарди.

— Умрларини берсин, жаа меҳрибон ака-укалар экан, — каттароқ ёшдаги аёл уларни дуо қилди.

Болаларнинг гапларини эшита туриб, Комилжон акани хаёл олиб қочди. Қачондир укаси иккисининг ўртасида ҳам худди шундай суҳбат кечганди. Бироқ, у пайтда энг катта орзулари велосипедли бўлиш эди. Бир куни укаси Обиджон кўчадан йиғлаб кирди. Уст-бошлари тупроқ, оёқлари шилинган.

— Вой ўлмасам, ким билан уришдинг? — кир юваётган онаси ўрнидан тура солиб укасини бағрига олди. — Муштдек болани қайси зўравон урдия?

— Ҳеч ким урмади, велосипеддан йиқилиб тушдим! — Обиджон ҳиқиллаган кўйи онасининг кучоғидан чиқишга уринди. — Мажиднинг велосипедини бир марта минишга зўрға кўндирувдим, акаси келиб қолиб, мени туртиб юборди. Ерга йиқилиб тушдим.

— Сен болага минг марта айтаман, бировнинг нарсасига осилмагин деб, — энди онаси укасини қийи бошлади.

— Унда бизга ҳам велосипед оберинг, акам иккимиз мазза қилиб минамиз! Дадамга айтсам, уришиб берди!

— Оҳ болама, кошки бу тирикчилик ўлгудан ошаниб, сизга велосипед оберолсак! Эртаиндин опангни узатишимиз керак, ҳали сандиғимда тузукроқ мато йўқ, — онаси этагини липпасига қистирганича яна кир ювишга тутинар экан, Обиджоннинг кўзидаги армонини илғаш тугул, қараб ҳам қўймади.

Боядан бери индамай дарс тайёрлаб ўтирган Комилжон аста укасининг ёнига келди, шилинган жойларини меҳрибонлик билан силади, сўнг йиғлаётган укасини маҳкам бағрига босди:

— Хафа бўлма, катта бўлсам сенга Мажидникидан ҳам зўр, сигнали баланд жиринглайдиган велосипед олиб бераман!

— Ростданми? — онасининг гапидан қовоғи тушиб, кўзида тинмай ёш айланаётган Обиджон унинг кўксига бошини қўйиб, энтикканича астойдил сўради — Ҳалигичи, рамаси қорасидан оберасиз-а?

— Сен қанақасини десанг, худди шунақасини обераман. — Комилжон эртага дарров катта бўлиб велосипед сотиб олиш-

га қурби етадиган одамдай ваъда берди.

— Ур-рэй!!! — Обиджон ирғишлаганича водопроводга қараб чопди...

...Орадан йиллар ўтди. Лекин ака укага берган ваъдасини бажара олмади. Аввалига ўқиш деди, кейин иш, ундан кейин эса оила. Ўзидан ошинмади. Обиджон гарчи ўқишни истаманган бўлсада, ундан кўра уддабуронроқ чикди, аввалига бозордан ҳайвон олиб ҳайвон сотди, кейин эса машина-фурушликни ўрганди. Шаҳардаги катта бозорнинг устасифаранг табдиркориға айланди. Уйида ҳаммаша иккита — учта машина туради. Бугун бунисини, эртага унисини минади.

Велосипед

Ота-она ўтгач, туғишганларда ҳам унча меҳр қолмайди, чоғи. Улар жуда кам кўришади. Бунинг устига ўртада озгина гап қочиб, мана бир йилдан бери борди-келди ҳам қилмайди. Сабаби эса, катта опасининг турмуши бузилиб, бир қиз бир ўғил билан қайтиб келди. Дадаси билан онаси ҳаётлик чоғидаёқ катта ҳовлини шу опасининг номига расмийлаштириб беришни маслаҳат қилишганди. Ўша пайтда индаманган укаси кейинчалик акасидан гина қилиб, ўпкалади:

— Опамга эплаб бирор жойда кичикроқ ҳовли қилиб бериб, бу ерда мен қолишим керак эди!

— Аёл боши билан қандай ҳовли оларди? Сен ҳар қалай эркаксан, топармон тутармон бўлдинг. Ака-укадан ранжиб гапирди.

— Сиз мени кўролмайсиз, ичингиздаги гапингиз тилингизга чикди! — Обиджон шундай дея, бир йўла тўнини тескари кийиб олса бўладими?

Укасидан бунақа гап эшитишни кутмагани учун Комилжон аканинг дили оғриди.

— Сен ўсиб унсанг қувонаман. Бу гапни бир айтдинг, иккинчи айтмагин, — деди зўрға ўзини босиб.

— Унда исботланг. Опамга бошқа жойдан ватан қилиб берайлик. Ота эшикни менга берсин. — Обиджон юзсизлик билан унга талаб қўйди.

Комилжон аканинг миясига қон тепди, жаҳли чиқиб, асаби бузилди:

— Катталар билиб айтган экан, бўлган сари бўлгиси келади, деб! Шунча мол-давлатинг, қўш-қўрғонинг туриб, ота-онамиз опамга васият қилган жойга кўз тикасанми? Хайф сенга! Бошқа гапим йўқ, дедию, шартта кетди.

Шу бўйи орага совуқчилик тушди. Ҳартугул, Обиджон инсофга келдими, қайтиб опасини ҳовли масаласида безовта қилмади. Қариндошларнинг тўй-тўркин, маросимларида кўришиб қолса, элдан уялганлари учун ҳол-аҳвол сўраган бўладилар. Лекин барибир укасини соғинади, мириқиб гаплашиб ўтиргиси келади.

МУТОЛАА

Ҳозир йўловчи болакайларнинг беғубор суҳбатларидан кўнгли бузилди. Юрагидаги соғинч яна бош кўтарди. Беихтиёр чўнтагини қовлади. Анчагина пули бор экан.

Яқинда укаси ўғлини уйлантирган, Худо хоҳласа тез фурсат ичида неварали бўлса керак. Ёшлиқда берган ваъдасини энди бажарса ҳам бўлади. Эзгуликнинг кечи йўқ-ку. Комилжон ака шу хаёл билан кетаётган манзилини ўзгартирди. Йўл - йўлакай болалар ўйинчоқлари сотиладиган дўконга кириб, чиройли велосипедча харид қилди. Сўнг минг андиша ва ҳаяжон билан укасиникига кириб борди. Обиджон йўқ

экан. Келини ҳайронлик билан кутиб олиб, сўрига таклиф қилди. Ҳол - аҳвол сўраган бўлди. Бир унга, бир велосипедга қараб ҳайрон бўларди. Қайиноғасининг астойдил ўтирганини кўриб, дастурхон тузашга киришди. Орадан анча вақт ўтгач, кўчадан машинанинг сигнали эшитилди, жиянлари югургилаб бориб дарвозани ланг очди. Обиджон қордек оппоқ хорижий русумдаги машина билан нақ ҳовли тўригача кириб келди. Укасининг бу ваҳимали ташрифидан Комилжон ака бир чеккада мунғайиб турган велосипедчага қараб баттар ўнғайсизланди.

— Келинг! — Обиджон анчадан бери кўришмаган акаси билан совуқчина сўрашди. Гап унча қовушмади. Комилжон ака бу ердан тезроқ кетишни истади.

— Ука, менга рухсат. Қачондир сенга бир нарса ваъда қилгандим. Тирикчилик, рўзғор деб ваъдамни унутган эканман, — деди худди ўқитувчиси қаршисида турган айбдор ўқувчидек секингина. — Тўғри, энди бу нарса сенга ўйинчоқдек арзимас, лекин яхши ният билан олиб келдим. Бош неваранг ўғил бўлсин, сенга олиб беролмаган велосипедимни неваранг минсин!

Обиджон шундагина нарироқда, турган велосипедни кўрди. Бу пайтда Комилжон ака юзига фотиҳа тортиб ўрнидан туриб бўлган эди.

— Яхши қолинглар!

То кўча остонасига етиб боргунча Обиджон серрайганича тураверди. Сўнг эса шошиб:

— Акажон!!! —деб бақириб юборди.

Укасидан буни кутмагани учун Комилжон бир чўчиб тушди. Ҳали ортига ўгирилиб улгурмаган ҳам эди Обиджон белидан маҳкам кучди.

— Акажон, мени кечиринг!

Улар юзма-юз бўлдилар. Ҳар иккисининг кўзларига ёш келди.

— Сени жудаям соғиндим, укажон! Комилжон ака укасини маҳкам бағрига босди.

Обиджон худди аввалгидек бошини акасининг кўксига қўйганича энтикиб-энтикиб йиғларди...

Матлуба ЮСУФ ОХУН

Ёнимиздаги одамлар



Тўй-у томошаларни, байрамларни карнай-сурнай-сиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, эрта тонгдаги карнайнинг садоси ўзгача. Элу юртга тўй бўлаётганидан далолат бериб "ват-ват"лаганда диллар завққа тўлади, вужудни жўшқинлик қучади.

Тўй маросимларидан бирида ҳар ишдан қийик ахтаридиган кимсалардан бири "Карнайчиларга ҳам маза, ярим соат "ват-ват"латишиб, фалон сўмни чўнтакка уриб кетишар экан. Бунинг устига зиёфатнинг қуюғи ҳам шуларники", дея сал нарида ўтирган маҳаллий созанда-ларга луқма ташлади. Чолғучилар етакчиси Йўлдошали карнайчи даврандан

мадик. Астойдил ҳаракат қилган ёшгина йигитнинг лаби зум ўтмай шишиб кетди. Чор атрофимиздагилар ҳолимизни кўриб, мириқиб кулишди.

Маросим якунланиб, одамлар кузаётганда яна карнай-сурнайнинг шўх садолари борлиқни тутди. Кўча дарвозаси ёнида зарбоф тўн кийиб, қадрдон созини ҳавода ўйноқлатиб чалаётган Йўлдошали карнайчи бизни кўриб янада авжланди. Мис карнайнинг салобатли оҳангги дилларни қучди, меҳмонларнинг

кор хонаси рўпарасидаги ўриндиққа аста ўтирар экан. — Бунга карнай сабабчи. — Карнай?!

Ажабланганимни кўриб, у тушунтирган бўлди:

— Иссиқ демай, совуқ демай хизматга отланамиз. Айниқса, совуқ ва нам ҳавода чалиш машаққат. Ҳар пуфлаганимизда вужудга, айниқса, юқори нафас йўллари, ўпкага, қоринга зўриқиш келади. Қарабсизки, тўй мавсуми тугамаёқ юз фоизли қалтис касалсиз-да. Йилда икки-уч бор даволанишга мажбурсиз.

— Бунақа экан, бошқа иш қилсангиз бўлмайdimи? — дедим беихтиёр (Аслида "карнайчилик қилиш шартми?" демоқчи бўлгандим).

— Кўргулигинг шу экан, нима қилсан тўйма-тўй юриб дейсизда, — у мийиғида кулганча бош тебратди. — Ошнам ҳам доимо дашном беради: "Қўй шу ишингни. Одамларни деб бемаврид ўлиб кетмагин!"

Аммо бу хунар бизга ота касб. Руҳлари шод бўлсин, қўлимизга тутган карнайи соқов бўп қолмасин деб давом эттиряпман. Одамлар ният қилиб, тўйимни ўтказиб берасиз деб уйингиз оstonасига келиб турса, йўқ дейиш қийин экан. Қани, кучимиз, тоқатимиз етганча чалаверайликчи, худо бир йўлга етаклар.

Ҳ. ТОҲИРОВ.

ЧАЛСА ҲАМ, ЧАЛМАСА ҲАМ...

қўзғалиб, бўйидан ҳам баланд созини олганча ёнимизга келди. Ҳаммамиз жим қотдик.

— Ўсарвой ака, — деди у луқма ташлаган суҳбатдошимизга карнайни узатар экан. — Қани, шунга қараб бир-икки пуфлангчи.

Ўсарвой ака карнайга пуфлаш тугул, уни қўлида маҳкам ушлаб туришни ҳам урдалолмай, жойига жимгина ўтирди. Қизиқсиниб биз ҳам карнай чалмоқчи бўлдик. Бироқ, ҳарчанд уринмайлик, бунинг эплот-

уч-тўрттаси завқига чидолмай "карнай ўйини"га тушиб кетишди. Уларга қўшилиб, яна беш-олти киши хуморидан чиққунча даврандан чиқишмади. Созанда-лар одамлар то уйларига тарқалгунга қадар шаштидан тушишмади.

Иттифоқо кунларнинг бирида Йўлдошали карнайчи билан туман поликлиникасида учрашиб қолдим.

— Бизниям бу ерга гоҳида ишимиз тушиб туради, — деб қолди шифо-

РЕКОРДЛАР



ДУНЁНИНГ ЭНГ КЕКСА ЭГИЗАКЛАРИ

Япониялик эгизак опа-сингиллар дунёдаги энг кекса эгизаклар сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

Умено Сумияма ва Коуме Кодама 1913 йилда Сёдо оролида туғилган. Уменонинг тўрт, Коуменинг икки нафар фарзанди бор.

Ҳозирда 107 ёш ва 300 кунни қарши олган Умено ва Коуме қариялар уйида яшайди.

Улар 2000 йилда япониялик эгизак опа-сингиллар Кин ва Жин рекордини янгилашди (Кин ва Жин 107 ёш у 175 кунлик бўлган).

Гиннеснинг рекордлар китоби берган маълумотга кўра, ҳозирда дунёдаги энг кекса аёл ҳам Японияда яшайди. У Фукока оролилик Кане Танака бўлиб, 118 ёшда.

ПОЛВОНЛАР ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШАДИ

Шу йилнинг 7-17 декабрь кунлари Тошкентда оғир атлетика бўйича 86-Жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Унда оғир атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийлар кенгаши қарорига биноан, аёллар ўртасида Зухра Отажонова (49), Озода Хожиева (55 кг.), Жамила Панфилова (55 кг.), Севинчой Комилова (71 кг.), Барчиной Эшонқулова (71 кг.), Кумушхон Файзуллаева (71 кг.), Нигора Сувонова (76 кг.) ва Турсуной Жабборовва (87 кг.) чемпионат баҳсларида қатнашса, эркаклар ўртасидаги курашларда Оғабек Нафасов (55 кг.), Адхамжон Эргашев (67 кг.), Оғабек Тўхтаев (73 кг.), Достон Якубов (73 кг.), Мухаммадқодир Тоштемиров (81 кг.), Отахон Имомов (89 кг.), Сарварбек Зафаржонов (89 кг.), Ҳожиакбар Олимов (89 кг.), Қурбонмурод Номозов (96 кг.), Руслан Нурудинов (109 кг.), Акбар Жўраев (109 кг.) ҳамда Мирҳосил Мирзабоев (+109 кг.) қатнашиши кутилмоқда.

Бу галги жаҳон чемпионати тажрибали оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов учун 2016 йилги Рио олимпиадасидан кейинги илк жаҳон чемпионати бўлса, Токио олимпиадаси ёлиби Акбар Жўраев учун навбатдаги дунё биринчилигидир.



Спортчиларимиз учун Тошкент супачасидаги баҳслар ҳар томонлама омадли келишига ишонамиз.

СПОРТ

Унда дунёнинг 100 дан зиёд давлатларидан номдор оғир атлетикачилар иштирок этади. Бу медаллар учун жисмоний ва руҳий курашлар енгил кечмаслигини кўрсатади.

Жаҳон чемпионатида 50 нафар атрофида дунё оғир атлетикасининг етук ҳакамлари қаторида Рашид Маткаримов, Комил Баязитов, Ақром Низомиддинов ва Анвар Ҳолиқов каби ўзбекистонлик тажрибали мутахассислар чемпионат жараёнларини бошқариб бориш ва ёлибларни аниқлаш тизимида иштирок этиши кутилмоқда.



МЕРКУРИЙ сайёрасидаги бир кун

Ердаги икки йилдан узунроқ!

Ойнинг Ердан кўриниб турадиган энг улкан кратери Бейли деб аталади. Унинг майдони тахминан 26 минг квадрат милга тенг.

Ерга ҳар куни 27 тонна космик чанг ёғилади. Бир йилда 10 минг тоннадан ортиқ чанг сайёраимизга тушади.

Агар ўргимчак ини толасини Центавр юлдузлар туркумидаги энг яқин юлдузгача тортиб чиқилса, толанинг оғирлиги беш юз минг тоннани ташкил этган бўларди.

Галактикаимизда ҳар йили қирққа яқин юлдуз пайдо бўлади.

Ойнинг диаметри 3 минг 476 километрга тенг.

Қуёш нури ерга 8,5 дақиқада етиб келади.

Агар бир чой қошиқни нейтрон юлдузларини ташкил этувчи модда билан тўлдирилса, унинг оғирлиги тахминан 110 миллион тоннага тенг бўларди.

Дунёда энг кўп хусусий метеоритлар коллекцияси америкалик Роберт Хаага тегишли — у икки тонна самовий жисмларни йиққан. У метеорит йиғишни 12 ёшида бошлаган экан.

Калифорниянинг Паломар тоғидаги телескоп 7,038, 835,200, 000,000, 000,000 мил масофадаги жисмни кузатиши мумкин..

Қуёш тизимидаги барча сайёралар Юпитер сайёрасининг ичига жойлашиши мумкин.

Тўловчи: А. РАШИДОВ.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ИҲЛОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ босма-хонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Адади: 6029

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.